



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 6 декабрь, № 237 (5657)

Пайшанба

МДҲНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 декабрь куни Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

GARAŞSYZ DÖWLETLERIŇ
ARKALAŞYGYNYŇ DÖWLET
BAŞTUTANLARYNYŇ GEŇEŞINIŇ MEJLISI

2012-nji ýylyň 5-nji dekabry
Aşgabat, Türkmenistan



ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ
ГОСУДАРСТВ СОДРУЖЕСТВА
НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВ

5 декабря 2012 года
Ашхабад, Туркменистан



Саммит бошлангичидан аввал Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очиклик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДҲ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизликни таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий шароитларда аънавий гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолишдаги объектив зарурат билан изоҳланади.

Ўтган йиллар давомида

МДҲ ўзини сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик масалаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича сиёсий платформа сифатида керакли ташкилот эканлигини намойён этди.

МДҲ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклини яратиш, минтақавий ва минтақалараро ривожланиш масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари йигирма йилдан ортқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда МДҲнинг салоҳиятини мустаҳкамлашга интилиб келмоқда.

Айни пайтда Ашхобод саммити иштирокчилари МДҲ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини яна-

да ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилот ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, томонлар бундан кейин ҳам минтақавий ва минтақалараро муносабатлар тизимини шакллантиришда МДҲ ролини мустаҳкамлашга, уни ҳамкорликнинг замон талабларига жавоб берувчи ривожланган ва самарали механизм сифатида қарор топишида кўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий омилларнинг халқаро муносабатларни ривожлантиришга таъсирининг сезиларли даражада кучайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилишда МДҲнинг иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа экани

таъкидланди. Халқаро транспорт-коммуникация йўлақларини яратиш, энергетика ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини юқалтириш ва сармоявий фаолиятни рағбатлантириш бу борадаги муносабатларни ривожлантиришда энг истиқболли йўналишлардир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш — МДҲни тўлақонли ривожлантиришнинг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Томонлар Ҳамдўстлик фаолияти ва унинг шартномавий-ҳуқуқий асосини халқаро жараёнларни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича ҳамкорликдаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш

зарурлигига қатъий ишонч билдирилди.

Саммит якунлари бўйича МДҲ Давлат раҳбарларининг Ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДҲда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг борши тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат раҳбарларининг қарорига кўра, МДҲ раислиги Беларусь Республикасига ўтди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йилнинг октябрь ойида Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Ашхобод — Тошкент
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА)
олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент юқори палатасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўлланиш тартибини белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилиниши керак бўлган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомиллари белгиланган. Шу билан бирга, сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланилиши, шунингдек, уни қўлланиш тартиб-таомилларининг очик-ойдинлиги таъминлигини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, олиб борилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг Қароридан жазога ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшдан ош-

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Тошкентда ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда демократик янгиланишлар жараёнини янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати

Мухбиримиз билан мулоқотда бўлган сенаторлар ялпи мажлисда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш концепциясида кўзда тутилган қонулар ҳамда бошқа долзарб масалаларнинг муҳокама этилганини алоҳида қайд этишди.

Мамлакатимизда Конституциямиз қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги кенг нишонлан-

моқда, — дейди Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Х. Алимова. — Асосий Қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланган бўлиб, юқори палата ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалаларнинг аксарияти ана шу ҳуқуқларни таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган қенлашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;
б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлиги орақсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм

қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таъқиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар

таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таъқиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 5 декабрь

Тараққиётимиз асоси

Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги муносабати билан "Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон тараққиётининг ҳуқуқий асоси" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Бош прокуратура Олий ўқув курслари, ИИВ Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти экспертлари, марказ тингловчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Конституциямизда инсонпарварлик асосий мезон этилиб олингани эътироф этилди. Даржақат, бу мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончи ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаш-

тириш ва эркинлаштириш, умуман олганда, барча жабҳалардаги ислохотлар жараёнида яққол намойён бўлмоқда. Муҳими, фуқароларнинг қонун олди-

сон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида қафолатлангани тўғрисида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўла рўёбга чиқарилаётган, — дейди Юристар малакасини ошириш маркази бўлими бошлиғи Ўткир Жалолов.

— Зеро, у нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ҳамда амалга ошириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам қафолатлайди. Тадбирда атрофлича таҳлил қилинган масалалар, ўз навбатида, марказ тингловчиларнинг билимларини юксалтириш ва Конституция тарғиботини амалга оширишларида кўл келиши, шубҳасиз.

Давра суҳбатида мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг кўлами ва бу борада кўлга киритилган ютуқлар баробарида, истиқболдаги вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Зожир ҳудойшукуров, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомилий кўрсатишни қафолатлайди».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси).

да тенглиги ҳамда жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги тўла таъминланишига эришилмоқда. Зеро, Конституциямиз миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил

хуқуқ норма ва қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги аънавалари ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизга мос келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Асосий Қонунимизда ин-

Энг муносиблар эътироф этилди

Соғлом авлод — соғлом келажақ. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун катта эътибор берилётганининг мазмун-моҳияти шу билан белгиланади.

Фестиваль

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёшларимизнинг дунёда ҳеч қимдан кам бўлмастан вояга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бера бошлаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтган Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари фестивали очилиш маросимида сўз олганлар ана шулар хусусида яна бир бор фикр билдирдилар.



Муҳаммад АМИН (ўра) олган сурат.

спортнинг дзюдо тури бўйича Ришод Собиров XXX ёғги Олимпиада ўйинларида бронза, Шариф Халилов XIV Паралимпия ўйинларида кумуш медал билан тақдирланди. Каратэ бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги Осиё чемпионатлари-

Бундан ташқари, Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида кураш, Санкт-Петербургда муайтай, Венгрияда кўл жанги бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатларида қатнашган спортчиларимиз ҳам совриндорлар сафидан жой эгаллади.

Фестивалда Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан турли номинациялар бўйича галиб деб топилганлар тақдирланди. Муайтай бўйича жаҳон чемпиони Юсуф Иброҳимов ва каратэ бўйича Осиё чемпиони Шаҳзода Ортиқова «Йилнинг энг яхши спортчиси», кўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Асад Уринов «Йилнинг энг яхши мураббийи», Тошкентда ўтказилган каратэ бўйича Осиё чемпионати «Йилнинг энг ёрқин воқеаси», Ўзбекистон дзюдо федерацияси «Йилнинг энг яхши федерацияси», XIV Паралимпия ўйинлари кумуш медали совриндори Шариф Халилов «Энг матонатли спортчи», Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси «Энг яхши спорт тадбирлари ташкилотчиси», деб топилди.

Фозилдин АБИЛОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

жамоаси азиз юртдошларимизни

8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги билан самимий қутлайди.



Яратувчанлик ва бунёдкорлик завқи билан яшаётган замондошларимизга ҳамиша юрт тинчлиги, кўнгил осойишталиги ва оила бахтиёрлиги ҳамроҳ бўлсин!

1998A7393

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2013 йил 7 январь кунини соат 12.00 да ўтказиладиған очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани фуқаролик судининг ижро хатига асосан, Шуманай тумани СИБ томонидан хатланган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «BA3-2121» русумли, давлат рақами 23 К 1278, бошланғич баҳоси — 6 104 600 сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Нукус шаҳри, СИБ томонидан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «FORD MAVERIC GL» русумли, давлат рақами 23 АЕ 206, бошланғич баҳоси — 14 208 000 сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Нукус шаҳри СИБ томонидан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «FORD MAVERIC GL» русумли, давлат рақами 23 АЕ 064, бошланғич баҳоси — 14 208 000 сўм, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ЖИБ судининг ижро хатига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 90 Z 841, бошланғич баҳоси — 10 065 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кўнгдаги савдога сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 22 январь кунини соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Заказат пули тўғрисидаги келишувни» имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини «Universal Auction Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Жамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига

тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топиришлари керак: аукцион савдосига қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, заказат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот учун манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.

Диккат!

«Universal Auction Invest» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 22 ноябрь, 228 (5648)-сонида берилган реклама эълонидаги 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 30 О 8131 бўлган автотранспорт воситаси бўйича аукцион савдоси Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 30 ноябрдаги 1178/3-сонли хатига асосан тўхтатилди.

Қўшимча маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Хамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (+99871) 236-74-67.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Қашқадарё вилояти филиали томонидан аукцион савдосига қўйилган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси 3 855 349 сўм бўлган «Нексия» русумли автомашина 4 855 350 сўмга сотилди.

Гувоҳнома № 004059.

САНОАТ КОРХОНАСИ

ностандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини, шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни, электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини

Доимий ишга таклиф қилади.

Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.

Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:

(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov@mail.ru

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиған очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 1 майдиги 19-1203/3881-сонли ижро варақасига асосан, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Термизий кўчаси, 42-ўйда жойлашган, «TOSHMAYSUSQURILISH BOSMAOQ'OZ LOYIHA» МЧЖдан хатланган, умумий майдони 2037,00 кв.м., 1 қаватли, 14 хонадан иборат, 1991 йилда қурилган, идора ва хўжалик бинолари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 372 925 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2012 йил 10 октябрдаги 1-1533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Хазарбоғ» ҚФЙ, Янги Ҳазарбоғ маҳалласида жойлашган, фойдали майдони 210,24 кв.м., 1 қаватли, қурилган йили номаълум бўлган савдо гузари биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-653-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Боболочин маҳалласида жойлашган, умумий майдони 2046,62 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 5 хонадан иборат яшаш уйи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 564 000 сўм.

2. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-656-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Пастхам маҳалласида жойлашган, умумий майдони 3435,52 кв.м., 1982 йилда қурилган, 1 қаватли, 6 хонадан иборат яшаш уйи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 59 933 000 сўм.

3. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 12 апрелдаги 1-685-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, М. Қорабоев маҳалласида жойлашган, умумий майдони 2056,00 кв.м., 1979 йилда қурилган, А-литерда жойлашган, 1 қаватли ёғги клуб биноси, А1-литерда жойлашган оғборхона биноси, Б-литерда жойлашган 1 қаватли ошхона биноси, В-литерда жойлашган 1 қаватли ошхона биноси, Г-литерда жойлашган 1 қаватли оғборхона биноси, Д-литерда жойлашган 1 қаватли бостирма биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 79 120 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 7 январь кунини соат 18.00.

IV. Шунингдек, аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

1. ЖИБ Қумқўрғон тумани судининг 2012 йил 28 сентябрдаги 1-189-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Нефтичилар маҳалласи, 3-кичик даҳа, 7-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,33 кв.м., 1970 йилда қурилган, 2 хонадан иборат, 2-қаватда жойлашган яшаш уйи.

Бошланғич баҳоси — 27 623 700 сўм.

2. ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2012 йил 23 январдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, «Жалоир» ҚФЙ, Боболочин маҳалласида жойлашган, ер майдони 1388,0 кв.м., 2004 йилда қурилган, 11 хонадан иборат, 1 қаватли савдо дўкони ва ҳаммом биноси.

Бошланғич баҳоси — 35 625 000 сўм.

3. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 майдиги 19-1203/3881-сонли ижро варақасига асосан, Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани, Истиклол маҳалласида жойлашган, «Нурдин Шарапов» хўдан хатланган, фойдаланиш майдони 434,46 кв.м., 12 та хонадан иборат бўлган, 2 қаватли, 2005 йилда қурилган, А литердаги Истиклол маҳалла гузари биноси.

Бошланғич баҳоси — 50 765 625 сўм.

V. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0904-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдиги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласида жойлашган, «Пахтабод техник муҳандис» ММТПдан хатланган, майдони 158,46 кв.м., 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат А ва Б литерлардаги дала шийони биносининг бир қисми ошхона айвони билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 8 448 705 сўм.

VI. Аукцион савдосига Сариев тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 12 декабрдаги 19-0809-10066-сонли ижро варақасига асосан, Сурхондарё вилояти, Сариев тумани, Шарғун шаҳри, А. Икромов кўчасида жойлашган, «Шарғун кўмири» ОАЖдан хатланган, майдони 1337,04 кв.м., 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 2002 йилда қурилган оғрик-овқат омбори биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 52 947 596 сўм.

VII. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2009 йил 9 декабрдаги 2-144-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 26-уй, 48-хонадонда жойлашган, умумий майдони 68,7 кв.м., 2000 йилда қурилган, 3 хонадан иборат яшаш уйи арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 19 439 280 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 21 декабрь кунини соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган заказат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги заказат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ОАТБ «Трасбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиған манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Ҳужав к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Тел.: (8-376) 227-57-94. Расмий сайти: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

ТАРОЗИЛАР Микрокомпьютер тарозлари

0,0001 гр.дан 250 тоннагача

КАС

МАССА-К

ИЖАРАГА кран тарозилари бор

Сертификацияланган + Сифат + Кафолат + Сервис

Кичик Бешёғоч к., 86 (сўб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: 281-43-65; www.micros.uz

Беруний к., (Тинчлик) метро бекети), тел.: (+99871) 120-65-85, 242-42-52, 249-39-50; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

Тойтепа к., 3 (Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Б. Х. Ташматовга онаси

Малина Зудуновна ТАШМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Халқ ижодиёти ва аънавий кўшиқчи кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ҳолизи Оролмирзо Сафарова ўғли

БАҲРҲУЛЛОнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



«МИКРОКРЕДИТБАНК»
очиқ акциядорлик тижорат банки
жамоаси

барча юрtdошларимизни
Республиками
Конституциясининг

20 йиллик
байрами билан қутлайди!




**«Микрокредитбанк» сармоялари —
тадбиркорлик, бунёдкорлик
ва тараққиёт хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.



ХОАТБ «TURKISTON BANK» жамоаси
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

20 йиллиги
муносабати билан барча ҳамюртларимизни
самимий қутлайди!

Давлатимиз равнақи, юртимиз ободлиги, халқимиз
фаровонлиги йўлида олиб бораётган самарали
ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди.

ХОАТБ «TURKISTON BANK» кўп турдаги банк
хизматларини кўрсатади ва банк хизматидан
қулай фойдаланишга имконият яратган ҳолда,
маблағингизни жозибали омонатларга
жойлаштиришга ёрдам беради.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



«ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИКАРИШ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
20 йиллиги
билан муборакбод этади!

Ҳуқуқий демократик давлат
барпо этиш, мамлакатимиз
фуқароларининг муносиб
ҳаёт кечиришлари,
тинчлик ва миллий
тотувликни таъминлашга
хизмат қилаётган
Асосий Қонунимиз
Мустақиллигимизнинг
гаровидир!



8 ДЕКАБРЬ



**«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИ»**
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 20 йиллиги
билан чин дилдан табриклайди!

Асосий Қонунимизда белгиланган миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда тамойиллар
асосида ривожланаётган мустақил она-диёримизда ҳамisha тинчлик-омонлик ҳукм суриб,
барчамизга сиҳат-саломатлик ҳамда бахт-саодат ёр бўлсин! Озод ва обод Ватанимиз
равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда
оператор Ж. Тогаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

